# 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана





Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2012 йил 28 сентябрь ● № 39-40 (904-905)


**"Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу – ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади".**

**Ислом КАРИМОВ.**

## СИЗГА МИНГ БОР ТАЪЗИМ, УСТОЗ-МУАЛЛИМ!



**Нега шеър ёзмайин, юракдан ёниб,**
**Нега таъзим қилмай, Сизга бу маҳал.**
**Нега хизматингиз қилмай қувониб,**
**Эй азиз муаллим, устози аввал.**

**Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,**
**Сизки юракларда илк зиё ёққан.**
**Олимми, шоирми ё санъаткорми,**
**Илк бор сизга томон устоз деб боққан.**

## ҲУРМАТЛИ УСТОЗЛАР!

*Сизларни касб байрамингиз билан самимий қутлаймиз. Барча соҳалар каби тиббиёт тизимида эришилаётган ютуқларда Сизнинг ҳам алоҳида ҳиссангиз борлигини эътироф этишимиз жоиз. Тиббиётдаги илм-фаннинг юксалиши, интеллектуал салоҳиятли кадрларнинг етишиб чиқаётганлиги Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз маҳсулидир. Айниқса, бўлажак тиббиётчиларимизнинг хорижий давлатларда ўтказилаётган фан олимпиадалари ва нуфузли спорт мусобақаларидаги иштироки ҳамда фахрли ўринларга эга бўлишлари ҳар биримиз учун қувонарли ҳолдир. Шунингдек, илмий салоҳият йўлида изланишлар олиб бораётган етук мутахассисларимизга бераётган сабоқларингиз фан уфқларининг янада кенгайишида асосий ўринга эга бўлаётган бўлса, тиббиётимиздаги кашфиётлар инсонлар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Шундай экан, Сиз азиз устозларни яқинлашиб келаётган касб байрамингиз, яъни «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» билан яна бир бор чин дилдан муборакбод этамиз. Ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишларингизга омадлар тилаган ҳолда, Сизларга узоқ умр, оилавий бахт, мустаҳкам соғлик ёр бўлишини истаб қоламиз.*

*Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

*Семинар*

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида 2011 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган Тошкент Халқаро симпозиуми Резолюциясидан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистонда "Соғлом она – соғлом бола" Миллий модели тажрибаси ва амалга оширилиши истиқболлари" мавзусида семинар ўтказилди.***

Ўтган йили Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен ва бошқа таниқли хорижлик олимлар ҳамда тиббиёт оламининг мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели эътироф этилганлиги семинар давомида айтиб ўтилди. «Соғлом она – соғлом бола» шиори аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи мурожаат бўлиб, давлат ҳамда жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов қайд этганларидек: "Албатта, одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш ва модернизация қилиш асосидагина олдимизга қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор".



Семинар давомида "Соғлом она – соғлом бола" халқаро симпозиумида қабул қилинган "2011 йил 26 ноябрдаги Тошкент Халқаро симпозиуми Резолюцияси"нинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кўриб чиқилди. Резолюциядан келиб чиқиб, ушбу соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлиги ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини тизимли ва изчиллик билан ислоҳ қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг фаолияти устидан қонунларнинг ижро этилиши бўйича парламент назорати таъсирчанлигини ошириш кераклиги таъкидланди. Ўсиб келаётган ёш авлод соғлиғини муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликни жалб қилишга алоҳида урғу берилди.

Семинар иштирокчилари истиқболда она ва бола саломатлигини таъминлашнинг халқаро стандартларга мос келадиган норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир концептуал ёндашувларини аниқлаш, Халқаро симпозиумда қабул қилинган Резолюция қоидаларини янада самаралироқ амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида*

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***2012 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқлагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир масалани кўриб чиқишга киришдилар.***




Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети 2012 йилнинг биринчи ярмида Олий Мажлис маъқуллаган параметрларга мувофиқ, шунингдек, жорий йилнинг 19 январь куни ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан белгилаб берилган «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастури»даги энг муҳим устуворликларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириш туфайли ижро этилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликни, банк-молия соҳаси барқарор ишлашини таъминлади. Бундай натижага, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига эришилди.

Натижада давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инқироз прогнозида назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Саноат тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача туширилганлигига қарамай, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига таққосланганда солиқнинг ушбу тури бўйича бюджетга тушум 29,1 фоизга кўпайган, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган қуйи солиқ ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ҳисобот даврида ўтган йилнинг худди шу даврига қиёслаганда тушумлар 21,3 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилган.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганига кўра, Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, улар биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун ажратилган. Хусусан, бюджет харажатларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, 9,6 фоизи иқтисодиётга, 4,4 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга, 2,9 фоизи давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва судларнинг таъминотига йўналтирилган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг ноль разряди бекор қилиниб, республикадаги барча ташкилотлар учун меҳнатга тўланадиган ҳақ тариф сеткасининг биринчи разрядидан паст бўлмаган миқдорда белгиланганлиги, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларининг камайтирилганлиги ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақининг 19,4 фоизга, шунингдек, аҳоли жами даромадларининг 26,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Ҳисобот даврида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёш оилаларга жами суммаси 14 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар берилди. Умуман олганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун йилнинг ўтган даври ичида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 1,1 триллион сўм, шу жумладан, Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳанузгача ўз ечимини топмаган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, депутатларнинг фикрига кўра, ҳисобот даврида айрим корхоналарда зиёнга ишлаш ва фойда ҳажмларининг камайишига йўл қўйилган, бир қатор бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги, бюджет ва тўлов интизоми бузилганлиги ҳоллари мавжуд, шунингдек, маблағлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳам йўл қўйилган. Таъкидландики, бундай ҳолат юзага келишинига бир қатор сабаблари бор, масалан, қонун ҳужжатларининг талаблари, хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилди, деб бўлмайди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг батафсил муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокаралар чоғида **ЎзЛиДеП фракцияси** мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилганлиги ва солиқ имтиёзлари берилганлигини алоҳида таъкидлади. Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ушбу турдаги солиқнинг бюджетга тушуми кўпайганлиги хусусида тўхталинди. Айни бир вақтда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунларнинг талабларини жойларда амалга ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар тўлиқ ҳажмда ижро қилинишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиботларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари талабларини амалга ошириш ҳақида таклифлар баён этилди.

**ЎзХДП фракцияси депутатлари** Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, хусусан, харажатларнинг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш 2012 йилнинг биринчи ярмида 510,5 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Жумладан, уларнинг 345 мингтаси ёки 67,6 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар ҳам муваффақиятли амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Айни бир вақтда ЎзХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини, айниқса пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур эканлиги тўғрисида фикр билдирди.

**«Миллий тикланиш» ДП** фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш муҳим эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни рағбатлантирувчи тегишли инфратузилмани яратишга ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди. «Миллий тикланиш» ДП фракцияси депутатлари туризм фаолиятига доир қонун ҳужжатларини, шунингдек, бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар, бинобарин бу Давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш манбаларини кенгайтиришга кўмаклашади.

**«Адолат» СДП фракцияси аъзолари** инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизациялашга бюджет маблағларидан сарфлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Бунинг учун, фракциянинг фикрига кўра, илмий-тадқиқотлар ва ечимларга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, депутатлар энергиянинг қайта тикланадиган манбалари тизимини ривожлантиришга маблағлар ажратиш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар** гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга 47,3 миллиард сўм ажратилган. Бундан ташқари, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига ажратилаётган бюджет маблағларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш муҳимлиги устида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга, хусусан, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Парламент аъзолари Давлат бюджетига доир ҳисобот юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларига бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар.

Муҳокама давомида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

*Тадбир*

# ЯНГИ КЛИНИКА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

***2012 йилнинг 21 сентябрь куни Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошидаги 60 ўринли клиниканинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Н. Атабеков, ЮНЕЙДСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дени Або, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Дельмотте, БМТнинг ОИВ инфекцияси бўйича лойиҳаси менежери Зокир Қодиров, клиника бош врачи Дилфуза Файзуллаевалар сўзга чиқиб, ушбу клиникада яратилган шароит ва имкониятлар инсонлар саломатлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар.***



Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз томонидан халқимиз саломатлигини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш йўлида алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шуни таъкидлаш муҳимки, халқимиз орасида юқумли касалликлар тарқалишига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.











Жумладан, ОИТС хасталигининг олдини олиш юзасидан давлатимиз томонидан зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги “ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш ва ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси, беморларни даволаш ва уларни парвариш қилиш мақсадида Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошида махсуслаштирилган юқумли касалликлар клиникаси ташкил этилди.

Ушбу махсуслаштирилган юқумли касалликлар клиникаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилди ва ОИВ инфекциясини юқтириб олган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган маскан ҳисобланади. Клиника 60 ўринга эга бўлиб, ундан 30 таси катталар ҳамда 30 таси болалар учун мўлжалланган. Ҳар бир бўлимда 6 ўринли интенсив, 4 ўринга мўлжалланган бокс хоналари мавжуд бўлиб, керакли даволаш ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, клиникада клиника-биохимия, серология ва бактериология лабораториялари ташкил этилган. Шифохонада юқори малакали тор доирадаги мутахассислар (гинеколог, уролог, невропатолог, дерматолог, кардиолог, оториноларинголог, УЗИ шифокори, эндоскопист) фаолият олиб боради. Клиника сўнгги русумдаги, хорижий етакчи компанияларнинг замонавий тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Шифохона ҳудудида Ўрта Осиё давлатлари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун “ОИВ инфекциясига чалинган шахсларни даволаш, парваришлаш ва қўллаб-қувватлаш” Минтақавий ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу марказда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ОИВ инфекциясини даволаш, парваришлаш, қўллаб-қувватлаш, самарали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тайёргарликдан ўтказилади. Клиникани ташкил этиш жараёнида бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, ОИТС, сил ва безгакка қарши Глобал жамғарма, Жаҳон банки, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бюджет маблағлари ажратилиб, унга 1,2 миллион АҚШ доллари сарф қилинди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда ОИТС касаллигига қарши олиб борилаётган изчил фаолиятлар натижасида мазкур хасталикнинг олди олинмоқда. Лекин хотиржамликка йўл қўймай, мавжуд хавф-хатарлардан огоҳ бўлишимиз зарур.**

**Диёра БОЗОРОВА.7**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Сотрудничество*

# ВЫСОКИЕ ТЕХНОЛОГИИ В МЕДИЦИНЕ



***Диагностировать заболевание у пациента, сидя за компьютером, определяя степень его прогрессирования, очаги инфекции в организме человека, казалось еще в недалеком прошлом фантастикой. Сегодня мир высоких технологий все прочнее входит в нашу жизнь, и “бездушный” металл с огромным количеством проводов и микросхем становится благодаря развитию человеческой мысли нам верным и надежным помощником.***

Не только в решении сложных финансовых операций, регулировании технологических процессов, но и охране здоровья, спасении человеческой жизни. Именно на это направлен проект Германского общества по международному сотрудничеству GIZ “Повышение квалификации врачей и медицинских работников для работы на современном высокотехнологичном медицинском оборудовании в Узбекистане”, который реализуется в нашей стране совместно с Министерством здравоохранения РУз и Ташкентским институтом усовершенствования врачей.

Обсуждению целей и задач проекта, рассчитанного до 2014 года, была посвящена встреча специалистов из Узбекистана, а также иностранных партнеров в отеле “Ташкент Палас”. С приветственным словом к участникам “круглого стола” обратился заместитель министра здравоохранения РУз Марат Ходжибеков.

В ходе встречи было отмечено, что необходимость реализации проекта возникла в связи с закупкой за последние годы значительного количества медицинского оборудования, в том числе прогрессивного высокотехнологичного, для оснащения медицинских учреждений РУз – приборы методов визуализации, лабораторной диагностики, анестезии и интенсивной медицины, а также эндоскопии и минимально-инвазивной хирургии. Это привело к повышению спроса на квалифицированный персонал, который был бы технически грамотным, а также мог работать в системе управления закупками, заниматься техобслуживанием и логистикой.

Реализации проекта в нашей стране предшествовало подписание целого ряда нормативных документов о двустороннем сотрудничестве между Правительствами Республики Узбекистан и Федеративной Республики Германия. Последним и решающим стало Соглашение о реализации данного проекта между Министерством РУз и Представительством GIZ в Узбекистане, которое было подписано 25 июня этого года.

Одной из главных целей совместного проекта является достижение эффективного применения современных медицинских технологий в таких сферах клинического лечения, как методы визуализации, компьютерная и



магнитно-резонансная томография, эндоскопия и малоинвазивная хирургия.

С момента подписания договора о реализации проекта сделано уже многое. Так, проведены предварительные поездки в регионы и встречи с партнерскими организациями для составления плана мероприятий проекта, план мероприятий согласован с Минздравом и GIZ, оказана техническая поддержка в дизайне и проведении базового исследования с участием экспертов из Германии, оказывается техподдержка в организации обучающего ресурса центра и его оснащении.

В дальнейшем в рамках проекта запланированы переработка нормативных положений по повышению квалификации врачей, разработка учебных программ, определение целевой группы участников, предусмотрена консультативная и финансовая поддержка.

**Как было подчеркнуто на встрече, грамотное и экономичное использование технологий поможет сократить затраты, а оптимальное использование оборудования предотвратит ненужное хирургическое вмешательство и сократит длительность пребывания пациента в больнице.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Фото автора.**

*Конференция*

# ИСКУССТВО СПАСАТЬ «ЦВЕТЫ ЖИЗНИ»

***Маленького человечка, делающего первые шаги в огромный мир, подстерегает много опасностей. И, порой оградить от них малыша под силу лишь профессионалам своего дела. Тем, кто способен подарить детям будущее сегодня, протянув вовремя руку помощи, экстренной медицинской помощи.***

Каковы наиболее эффективные пути выявления и лечения у маленьких пациентов различных патологий, врожденных либо приобретенных, какая работа ведется по охране здоровья матери и ребенка в нашей стране? Эти и другие вопросы собрали за одним столом специалистов из Узбекистана и России на Республиканской научно-практической конференции "Достижения и перспективы педиатрии в республике Узбекистан", которая состоялась в Ташкенте.

В настоящее время в Узбекистане продолжается реализация мероприятий, направленных на дальнейшее развитие и модернизацию системы здравоохранения, в том числе и педиатрической службы. Специализированную помощь детям оказывают Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр педиатрии (РСНПМЦ педиатрии) и 13 региональных детских многопрофильных медицинских центров.

Государством уделяется большое внимание вопросам развития и укрепления этих центров. Так, в рамках кредитов и грантов правительства Германии на сумму 27 млн.евро предусмотрено новое строительство, реконструктивные работы, а также оснащение их современным оборудованием. Широко внедряются современные технологии ВОЗ и ЮНИСЕФ в области охраны материнского и детского здоровья, в этих целях реализуются проекты по внедрению системы интегрированного ведения болезней детского возраста, эффективного управления перинатальной помощью, реанимации новорожденных, грудного вскармливания и рационального питания, мониторинга роста и развития детей.

Как отметила в своем выступлении профессор Д.Ахмедова, директор РСНПМЦ педиатрии, большим шагом в снижении детской заболеваемости, раннего выявления врожденных и наследственных заболеваний, позволяющих предупредить рождение детей-инвалидов, стала реализация с 1998 года Госпрограммы "Скрининг матери и ребенка". Во всех регионах страны организованы современные скрининг-центры, оснащенные необходимым лабораторным оборудованием, но оно в настоящее время довольно дорогостоящее, и альтернативой скринингу до момента реализации нового проекта в этой сфере могут стать мероприятия по профилактике врожденных патологий у детей, иммунизации женщин фертильного возраста. Также решается проблема улучшения питания женщин и детей путем фортификации муки, иодизации соли, беременные женщины обеспечиваются необходимыми мультивитаминами. Кроме того, средствами государственного бюджета, без поддержки иностранных партнеров, в Узбекистане обеспечена вакцинация детей до 2-х лет. Однако, по словам Д. Ахмедовой, есть ряд вопросов, требующих своего скорейшего решения. Так, необходимо разработать единую программу взаимодействия всех служб детства, консолидации усилий, налаживание более тесных связей с районными СВП; необходимо повышение квалификации педиатров, терапевтов в регионах республики для оказания более грамотной и эффективной помощи детям. На это направлен проект "Совершенствование системы здравоохранения" ("Здоровье-3"). Также важно повышение медицинской культуры населения, привлечение молодежи к физической активности, что будет способствовать их оздоровлению.



Несомненно, как отметила, Д. Ахмедова, настоящим прорывом в области педиатрии станет строительство при ТашПМИ двух центров – нового отделения хирургии, где будут проводиться все виды операций, а также центра лечения и реабилитации больных с тугоухостью, которым будет оказана высокотехнологичная помощь. Планируется провести закупку определенного количества дорогостоящих кохлеарных имплантантов, ранее такие операции проводились только за границей.

В ходе конференции были обсуждены такие направления в педиатрии, как пульмонология, реаниматология, неонатология, кардиология, неврология, нефрология, детская хирургия и многие другие. Однако ведущей темой встречи специалистов стала гепатология – проблемы и перспективы лечения вирусных гепатитов у детей. Большой вклад в изучение и поиск новых форм лечения детских вирусных гепатитов, а также организацию и развитие педиатрической службы в республике внес профессор, заслуженный деятель науки Узбекистана О. С. Махмудов, который в этом году празднует свое 85-летие. В рамках конференции его коллеги поздравили мэтра отечественной педиатрии с юбилеем, а старший научный сотрудник, кандидат медицинских наук, сотрудник РСНПМЦ педиатрии Ш. Турсунов выступил с докладом, посвященным роли и значению деятельности О. С. Махмудова, который по сей день является руководителем отдела детской кишечной инфекции (септического отдела) при РСНПМЦ педиатрии. Как отметил Ш. Турсунов, свою деятельность Махмудов начал в Гузарском районе Кашкадарьинской области, затем был начальником медицинской службы в военном госпитале в Риге, в дальнейшем продолжил свою работу в ТашМИ (ныне ТМА), где от ассистента дорос до проректора по научной работе, стоял у истоков создания СамПИ (ныне ТашПМИ), где стал его ректором, также возглавлял НИИ педиатрии, занимал должность замминистра Министерства здравоохранения, под его руководством 14 человек получили степень доктора медицинских наук, 60 – кандидата. О. Махмудов является обладателем медали "Шухрат", лауреатом Государственной премии Беруни, ордена "Буюк хизматлари учун".

Участники конференции смогли не только ознакомиться с уже существующими методами лечения вирусных гепатитов у детей, большинство из которых разработано профессором О. С. Махмудовым, но и новыми разработками в этой сфере – интерферонотерапия (перспективное направление – использование в лечении вирусных гепатитов пеглированного интерферона). Также говорилось о своевременной и правильной диагностике и необходимости хирургического вмешательства при гепатопортальной патологии у детей (внепеченочной и надпеченочной гипертензии), что позволяет резко сократить летальный исход у маленьких пациентов. Этой теме был посвящен целый ряд докладов – "Современные подходы к лечению вирусных гепатитов", "Актуальные проблемы гепато-портальной и билиарной хирургии у детей в Узбекистане и пути их решения", "Достижения детского гепатологического центра при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре педиатрии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан". В ходе конференции также были обсуждены вопросы организации и оказания медицинской помощи детям в областных детских многопрофильных медицинских центрах, лабораторно-диагностических службах в педиатрии, что, несомненно, поможет в будущем повысить эффективность оказания помощи маленьким пациентам.

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

*Тиббиётимиз дарғаси*

# УМР МАЗМУНИНИНГ САРҲАДСИЗ МАНЗИЛЛАРИ

***Тиббиётимиз равнақини юксалтириш, унинг довруғини дунёга кенг ёйишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган кўп сонли тиббиёт ходимларимиз билан қанчалар фахрлансакда арзийди. Зеро, тиббиёт илмининг забардаст олими, болалар юқумли касалликлари бўйича етакчи шифокор, моҳир ташкилотчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли давлат мукофоти, I даражали "Соғлом авлод" ва "Буюк хизматлари" учун орденлари соҳиби Орхон Сирожиддинович Маҳмудов эл назарига тушган ана шундай фидойи инсонлардан биридир. Куни кеча тиббиёт дарғаси муборак 85 ёшни қарши олди.***

Орхон Маҳмудов 1927 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди. Отаси Сирожиддин Маҳмудов Тошкент тиббиёт академиясида узоқ йиллар директор муовини бўлиб ишлаган. Онаси Манзура опа эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор сифатида элда ҳурмат-эътибор қозонган. Оиладаги соғлом муҳит Орхон Маҳмудовнинг тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишини янада оширди.

Орхон аканинг ўқиш йиллари уруш даврига тўғри келиб, у кечки мактабда ўқиш билан бирга, ҳарбий заводда ишлади, уни тугатгач, Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетига ўқишга кириб, уни 1948 йилда тамомлади. У илк фаолиятини Қашқадарё вилояти Ғузор туман шифохонасида бош врачлик лавозимидан бошлади. Етук мутахассис меҳнат жараёнида болалар ўртасида ўлимни камайтириш, ўткир юқумли касалликларни даволаш ва унинг олдини олиш, шунингдек, билимли кадрларни кўпайтириш, тиббий маданиятни ошириш, айниқса болалар ўртасида эмлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор қаратди.

Тўғри, у вақтларда аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кенг тарқалган, унинг устига урушдан кейинги қийинчиликлар, тоза ичимлик суви етишмаслиги, санитария ҳолати ёмонлиги мутахассисдан катта масъулият талаб қилар эди. Албатта, бу вазифаларни бажариш осон кечмади, бор билим ва маҳоратини ишга солган Орхон Маҳмудов фаолиятни янада изчил олиб бориб, кўпроқ профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратди.

Қашқадарё вилоятида ишлаш унга ҳақиқий маънода катта ҳаёт мактаби бўлди. Куч-қувватга тўлган Орхон Маҳмудов ҳарбий ҳизматни 1951-56-йилларда Ригадаги ҳарбий-денгиз госпиталида давом эттирди. Хизматни тугатгач, Тошкент тиббиёт академиясининг болалар юқумли касалликлар кафедраси клиник ординатурасига ўқишга кирди. Болаларда жуда оғир кечадиган ичтерлама ва паратиф каби юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уни даволаш йўлларини ўрганишни мақсад қилди. У чуқур илмий изланишлар натижасида ичтерлама ва паратиф касалликларида организмда юз берадиган оғир ўзгаришлар асосида сув-туз алмашинуви издан чиқишини аниқлади. Бу хулоса касалликнинг кечиш даражаси, болалар ёши, организмнинг хусусиятларига қараб, беморларнинг патогенетик даволаш усулларини ишлаб чиқаришга имкон берди ва амалиётга регидратация терапиясининг рационал схемасини татбиқ этди. Жамланган катта ҳажмдаги илмий-амалий маълумотлар у 1960 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясига асос бўлди. Лекин олим изланишларини давом эттириб, қатор патогенетик механизмларни аниқлаб, янгича тасниф тузди, даволаш усулларини ишлаб чиқди. Натижада, ичтерлама ва паратиф касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, 1966 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли

(Давоми 5-бетда).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

# УМР МАЗМУНИНИНГ САРҲАДСИЗ МАНЗИЛЛАРИ

ҳимоя қилди. Меҳнат фаолияти ҳамда чуқур изланишлари ўз маҳсулини бериб, устозимиз томонидан 1962 йилда “Брюшной тиф и паратифы у детей”, 1968 йилда эса “Водно-минеральный обмен при кишечных инфекционных заболеваниях” монографиялари чоп этилди. Шу даврда олим болалар юқумли касалликлари соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб, бу борада самарали меҳнат қилди. Шунингдек, унинг ҳаётида катта илмий-педагогик фаолият бошланди. 1966 йилдан Тошкент тиббиёт академиясида факультет декани, кейинчалик ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор, болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири лавозимларида фаолият юритди.

Таъкидлаш муҳимки, Орхон Маҳмудовнинг тиббиёт соҳасидаги изланиш, меҳнатсеварлик, талабчанлик ҳамда ташкилотчилик фазилатларини инобатга олган раҳбарият уни 1972 йилда янги очилган Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректор вазифасига тайинлади (айни пайтда болалар инфекцияси кафедра мудири вазифасини ҳам бажарди). Талабчан раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан институтда қобилиятли ёшлардан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилиб, қисқа муддатда институтнинг кафедра ва лабораторияларида иқтидорли врачлардан фан номзодлари ҳамда фан докторлари етишиб чиқди.

Олим раҳбарлигидаги илмий изланишларнинг асосий йўналиши ўлка патологиясини ташкил этувчи юқумли касалликлар (ичбуруғ, салмонеллёз, иерсиниоз ва бошқалар) чуқур ўрганилди, унинг ривожланишида организмнинг ёшга мос ҳолда касалликка қарши курашиш қобилияти (реактивлик)нинг аҳамияти, иммун жараённинг шаклланиш хусусиятлари, макроорганизм ва касаллик қўзғатувчиси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ички (нозик) механизмлари, модда алмашинуви (метаболик) жараёнлари бузилишининг мураккаб сабаб-оқибатларининг ўзаро боғлиқликлари аниқланди ва олинган маълумотлар тизим амалиётида кенг татбиқ этилиб, даволаш-профилактик дастурларга киритилди. Болаларда кечувчи қорин тифи ва паратиф, сальмонеллёз, ичбуруғ, Qu-иситма, иерсиниоз, носпецифик ярали колит касалликларининг ишчи таснифлари ишлаб чиқилди. Эътирофлиси шундаки, устоз раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари етишиб, у ўзининг илмий мактабига асос солди.

1976 йилда Орхон Маҳмудов Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Педиатрия илмий-текшириш институти (ҳозирги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази)га директор этиб тайинланди. Ташкилотчи олим ишни институтнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда кадрлар масаласига эътибор қаратишдан бошлади. Жамоада илмий-амалий, профилактик йўналишдаги ишлар изчиллик билан олиб борилди. Тинимсиз меҳнатлар ҳамда янгича ғоялар илгари сурилганлиги боис, институт МДҲда биринчи бўлиб бемор болалар парвариши билан клиникада ётган оналарни соғломлаштиришнинг янги кўриниши – болалар шифохонаси қошидаги терапевтик бўлим ташкил қилинди. Бу бўлимнинг иш тажрибаси республика ва ундан ташқаридаги бошқа йирик болалар шифохоналарида ҳам амалиётга татбиқ этилди.



Олимнинг саъй-ҳаракати билан болалар гепатологияси бўйича илмий изланишларни самарали олиб бориш ва уларни мувофиқлаштириш, гепатобилиар тизим сурункали касалликлари билан оғриган болаларга ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ва маслаҳатлашув ёрдамини уюштириши, фан ютуқларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш мақсадида 1978 йилда институт қошида Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган болалар илмий-амалий гепатология маркази ташкил қилинди. Булардан ташқари, неонатология, болалар пульмонологияси, иммунмикробиология, биокимё ва клиник, резус, радиоиммунология таҳлилхоналари ҳамда ижтимоий педиатрия соҳаларида долзарб йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Унинг раҳбарлигида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази республикада болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг илмий-амалий ҳамда ташкилий-услубий марказга айланди.

Орхон Сирожиддинович 1983 йилдан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, 1984 йилдан эса, Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори вазифаларида фаолият юритди. Олти йиллик ректорлик даврида институтда ўқув ишлари ва тарбия жараёнини такомиллаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида катта тадбирларни амалга оширди. Ўзбек тилида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишга, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштиришга эришиб, шогирдлари билан болаларда жигар патологиясига алоҳида урғу қаратиб, мазкур йўналишни изчил ўрганишга ҳаракат қилди.

Олим 1990 йилда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига қайта директор этиб тайинланганидан сўнг, болаларда вирусли гепатитларнинг турли хиллари ва йўналишларини ўрганишга астойдил киришди. Вирусли гепатитлар патогенезининг нозик механизмларини ҳужайра ва ҳужайра ости (субҳужайра) даражасида ўрганиш бўйича текширувлар ўтказди. Орхон Маҳмудов раҳбарлигида биринчилар қаторида педиатрияда ультратовуш диагностикаси қўлланилиб, болаларда гепатитларнинг дифференциал-диагностик, ультратовуш алгоритми ишлаб чиқилиб, юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар нафақат пойтахтимиз, балки республика миқёсида кенг татбиқ этилди.

Орхон Маҳмудов 1997 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар марказнинг “Ичак инфекцияси” (ҳозирда “Токсико-септик ҳолатлар”) бўлими илмий раҳбари вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Ундаги илмий дунёқарашнинг кенглиги ва бой клиник тажрибаси ҳозирги кунда келажак авлодимиз бўлган болалар соғлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, шу билан бирга, устоз катта илмий лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқда.

Болалар патологиясида охирги пайтларда етакчи ўринни эгаллаётган сепсис касаллигининг салмоғи эрта ёшдаги болалик даврига тўғри келмоқда. Олим раҳбарлигида эрта ёшдаги болаларда сепсиснинг ташҳиси, даволаш, профилактика ва реабилитацияси бўйича янгича ёндошувлар ишлаб чиқилди ва илмий иш натижалари республика вилоятларида татбиқ этилмоқда. Натижада охирги 5 йил давомида болалар орасида сепсисдан ўлим ҳолати 40 фоиздан 18-21 фоизга камайган. Орхон Маҳмудов яратган ва тарбиялаган катта илмий салоҳиятли мактабдан 15 нафар фан доктори ва 60 га яқин фан номзодлари етишиб чиққан. Тиббиёт мактабининг асосчиси томонидан ўзбек ва рус тилларда 20 та монография, 250 дан зиёд илмий мақола, услубий қўлланмалар чоп этилиб, у 5 та патент муаллифи ҳамдир. Олим томонидан ёзилган монографиялар тиббиёт олий ўқув юртлари ва врачлар малакасини ошириш институтлари ўқув адабиётлари қаторидан ўрин олган.

Фахр билан айтиш мумкинки, Орхон Маҳмудов ва шогирдлари МДҲ ҳамда қатор хорижий мамлакатлар: Финляндия, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Греция, Испания, АҚШ, Канада, Германия, Сенегал, Ғарбий Африка, Италия, Туркия ва Францияларда бўлиб ўтган илмий анжуманларда иштирок этиб, долзарб муаммоларни кўтаргани ва соҳадаги янгиликлар бўйича маъруза қилганликлари республика педиатрия фани ютуқларининг дунё ҳамжамиятида ўз ўрни борлигини кўрсата олди десак, муболаға бўлмайди.

Орхон Маҳмудов 1994 йилда Тошкентда ўтказилган туркийзабон давлатлар педиатрлари II халқаро конгрессининг президенти этиб сайланди. Бу ўзбек олимига кўрсатилган катта ҳурмат-эҳтиром бўлиб, конгрессда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табрик хати ўқилди.

Тиббиёт фанининг машҳур намоёндаси ва фидокор олими, комил инсон, ажойиб устоз, педиатрия ва болалар юқумли касалликлар фанлари тараққиётига улкан ҳисса қўшган моҳир педагог ва ташкилотчи Орхон Сирожиддинович Маҳмудовни табаррук 85 ёшлари билан табриклаб, устозга соғлиқ ва узоқ умр тилаб қоламиз.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори.**

**(Давоми. Боши 4-бетда).**

*Миннатдорчилик туйғуси*

## РАҲМАТ СИЗГА, АЗИЗЛАР!

Яқинда икки яшар неварам Абдулазиз қаттиқ шамоллаб, иситмалай бошлади. Уни тезда қизим Муножат билан ҳудудимиздаги 44-оилавий поликлиникага олиб чиқдик. Бизни қулоқ-бурун-томоқ касалликлари шифокори Улуғбек Рўзметов илиқлик билан қабул қилди. У дарҳол неварамнинг қулоқ ва томоғини текшириб, касаллик ташҳисини аниқлаб, керакли муолажаларни буюрди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва малакали шифокор ҳамда ҳамшираларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Абдулазиз тез орада дарддан фориғ бўлди.

Ўзининг ширинсуханлиги ва шифокорлик одобини ўрнига қўйиб, беморлар дардига малҳам бўлаётган малакали шифокор Улуғбек Рўзметов ҳамда меҳрибон ҳамшира Дилором Холмуҳаммедова, фаррош Феруза Муҳаммаджонова ва бошқаларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ўз касбини ардоқлаб, беморлар дардига шифо бахш этаётган 44-оилавий поликлиника аҳил жамоасининг масъулиятли аммо шарафли ишларига улкан муваффақиятлар тилаб, ўзларига узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ҳамроҳ бўлишини истаб қоламан.

**Муҳаббат ОХУНЖОНОВА,**
**2-гуруҳ ногирони, Тошкент шаҳри.**

Кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан аҳоли саломатлигига қаратилаётган эътибор барчамизни қувонтирмоқда. Айниқса, замонавий тиббиёт масканлари ҳамда ходимларнинг билим ва муомала маданияти, замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги дарддан халос бўлишимизда катта ёрдам бермоқда. Оила аъзоларимиз билан Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 16-сонли оилавий поликлиникадаги тиббий хизматлардан фойдаланиб келмоқдамиз. Оилавий поликлиника бош врачи Д. Мирзаева ҳамда ўз касбининг фидойилари бўлган шифокору ҳамшираларнинг аҳолига кўрсатаётган сифатли тиббий хизматлари барчамизни мамнун этмоқда. Яна шуни айтмоқчиманки, ҳомиладор аёллар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш бўйича ўтказилаётган “Саломатлик” ҳафталиклари уларнинг соғликларини тиклашда муҳим аҳамиятга эгадир. Фаолиятлар самарали кечишида аёллар маслаҳатхонаси шифокори Ю. Исроилова, шифокорлар А. Эргашев, Н. Бегалиева, ҳамширалар Н. Қорабоева, Н. Тоирова, Д. Тешабоеваларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Яна бир бор ушбу оилавий поликлиника ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.

**Ш. ТОҲИРОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

*Устозларга эҳтиром*

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

***Ҳаётдан завқланиб, умрини халқ саломатлиги йўлида бахшида этиб келаётган устозимиз Абдуваҳоб Абдураҳимович Тоҳирий юртимиз тиббиёт аҳлининг энг севимли устозларидан биридир.***



Устознинг доимо қувноқ ва самимий чеҳраси ҳамда айтадиган пурмаъно сўзлари киши қалбидан кенг жой олади. Домла шогирдлар, тингловчилар, ёшлар билан суҳбат ёки маъруза чоғида ҳаёт тажрибасига таянган ҳолда фикр-мулоҳаза юритиб, ҳаётий мисоллар келтирадилар. Узоқ йиллар давомида соғлом турмуш тарзи асосларини тарғиб қилиб келаётган устозимизнинг меҳнат фаолиятига яқинда 54 йил тўлади.

Абдуваҳоб Абдураҳимович Тоҳирий 1958 йилда Тошкент тиббиёт институтини муваффақиятли тугатиб, педиатр сифатида Тошкент вилояти Янгийўл туман бирлашган болалар шифохонасида фаолият бошладилар. 1959-1972 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси санитария-гигиена ва овқатланиш илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим, сўнгра лаборатория мудири лавозимларида ишладилар. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг "Болалар ва ўсмирлар гигиенаси" кафедрасида ассистент бўлиб талабаларга дарс бердилар. А. Тоҳирий Тошкент шаҳар санитария маорифи уйида 4 йил бош шифокор ўринбосари вазифасида ишлаб, узоқ йиллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика саломатлик марказида услубиётчи-шифокор лавозимида фаолият юритдилар.

Ҳозирги кунда устозимиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Валиология» ва «Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш» кафедраларида республика миқёсида фаолият олиб бораётган шифокорларга соғлом турмуш тарзининг асослари фанидан дарс бермоқдалар. Улар кўп йиллик педагогик фаолиятларида аҳолининг саломатлигини сақлаш тамойиллари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, узоқ умр кўриш қоидалари каби мавзуларда қизиқарли маърузалар ўқиб келадилар. Шу билан бирга, устознинг долзарб мавзулардаги оммабоп мақолалари газета ва журналларда мунтазам равишда чоп этиб борилмоқда.

30 дан ортиқ илмий мақола, учта монография, 10 та илмий-оммабоп рисола, 400 га яқин газета ва журналларда чоп этилган мақолалар устознинг тиббиёт, гигиеник билимлар тарғиботчиси ва фидойи инсон эканликларини яна бир бор намоён этади. Устозимизнинг аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи масалаларига бағишланган кенг тарғибот ишларини доимий равишда маҳорат билан олиб борганлиги ўз вақтида эътиборга лойиқ деб топилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Абдуваҳоб Абдураҳимович Тоҳирий домланинг бугуни кундаги салоҳиятлари ана шу фидокорона меҳнатларининг самараси десак, муболаға бўлмайди.

**Биз жамоамиз номидан устозимизга мустаҳкам соғлиқ ва кўп йиллар давомида шифокорлар учун нур зиё таратиб юришларини чин кўнгилдан истаб қоламиз.**

## Шогирдлар устоз ҳақида...

*– Устоз Абдуваҳоб Тоҳирий ҳақида сўз кетганда, у кишининг бирор-бир ўқитувчига ўхшамайдиган ўзига хос фазилатлари борлигини гапириб ўтмоқчиман. Чунки устозимиз дарсга доим аъло кайфиятда кириб келадилар. У кишини ҳеч қачон жаҳл устида ёки ғазабли кайфиятда кўрмайсиз. Соғлом турмуш тарзи тамойилларига бағишланган дарсларни ҳеч иккиланмасдан "ҳаётий ҳикоялар жамланмаси" дейиш мумкин. Чунки, домламиз машғулотларни мазмун-моҳиятига боғлаб, ҳаётий воқеалар, ибратли ҳикоялар билан мавзуни янада теранроқ англаш ва тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, устоз ўта камтарин, самимий, шогирдларига нисбатан меҳрибон ва жонкуяр. У кишининг одамийлик ва инсонпарварлик фазилати доим ҳурмат-эътиборда. Тиббиётнинг сиру синоатларини тингловчиларга ўргатаётган азиз устозимиз Абдуваҳоб Тоҳирийни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий қутлаймиз.*

**Бир гуруҳ тингловчилар номидан**
**Усмон РАСУЛ.**
**Қашқадарё вилояти.**

**Ўзининг камтар, самимий, меҳрибон ва ижодкорлиги билан инсонлар қалбидан жой олган устозимиз Турсунхўжа Азлархоновнинг ҳаёт фаолияти тўғрисида қанчалар гапирсакда озлик қилади.**

Как отметила в своем выступлении руководитель группы по повышению экологической культуры населения и координации деятельности ННО Исполкома Центрального Кенгаша Экодвижения Ирина Зайцева, Экодвижение совместно с целым рядом партнерских организаций проводит широкомасштабную работу по информированию ННО о грантовом конкурсе, закрепляя его результаты в научно-методических разработках. Благодаря чему сегодня Экодвижением установлены не только информационные, но и рабочие контакты более чем с 200 ННО во всех регионах республики (среди них – ННО "Родничок", Ассоциация врачей республики Каракалпакстан, Общественное объединение гастроэнтерологов и другие). Реализован ряд проектов по смягчению последствий Аральского кризиса, развитию экотуризма, созданию новых форм экологического образования, к примеру, экошколы.

Несомненно, широкая популяризация конкурса будет способствовать успешной реализации и других, не менее важных и значимых проектов в сфере экологии. Уже составлен график проведения аналогичных встреч по разъяснению целей и задач конкурса по областям республики, где все желающие смогут получить ответы на вопросы о порядке представления грантовых заявок, требований к проектам, а также вопросам финансирования проектов и отчетности по результатам проектной деятельности.

**Полосу подготовила Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

*Ибрат*

# ДАВР ТАЛАБИ: МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК

***Ўзининг самарали меҳнати ҳамда камтар ва самимийлиги билан жамоа, қолаверса, аҳоли орасида ҳурмат топиб келаётган Маъмуржон Муродов Ургут туманидаги Ж. Мирзаев номли кўп тармоқли марказий поликлиникада кўп йиллардан буён хизмат қилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

М. Муродов 1981 йилда Самарқанд тиббиёт институтини муваффақиятли тугатиб, Самарқанд шаҳридаги биринчи шифохонада врач-ординатор вазифасида фаолият юритди. Шу вақт давомида устозларидан тиббиёт сирларини чуқур ўрганди. 1987-1994 йилларда Самарқанд шаҳар поликлиникасида, сўнгра Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг диагностика ва даволаш марказида ишлаб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда фаол иштирок этди.

*– Касбим билан ҳақли равишда фахрланаман. Аввало, Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Чунки, тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар биримизнинг касбимизга меҳримизни ошириш билан бирга, янада масъулиятли ишлашимизни талаб этмоқда. Шундай экан, яратилган барча шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишимиз муҳим,* – **дейди Маъмуржон Муродов.**

Ургут тумани аҳолиси нафақат Маъмуржон Муродов, балки поликлиникада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатидан мамнун бўлмоқдалар. Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда ўз билим ва меҳнатларини аямаётган тиббиёт ходимлари фаолиятини қанчалар эътироф этсакда, озлик қилади.

**Дарҳақиқат, тезкор замонда яшаётган эканмиз, бугунги даврнинг талаби кучайиб, ҳар бир тиббиёт ходими олдига катта вазифаларни юкламоқда. Шундай экан, масъулиятли аммо, шарафли касб эгалари бўлмиш ушбу поликлиниканинг кўп сонли тиббиёт ходимлари ишларига омадлар тилаб қоламан.**

**Узоқ ОМОНОВ,**
**Самарқанд вилояти Ургут тумани.**

*Қонунчиликдаги янгиликлар*

# ХОДИМЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

**«Мен кўп йиллардан буён педагоглик касби билан шуғулланиб келаман. Эшитишимча, янги талаб асосида мен каби ходимлар ҳам тиббий кўрикдан ўтказилар экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**Анвар САЛИМХЎЖАЕВ,**
**Тошкент вилояти, Бўка тумани».**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи билан «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Бундан олдин амалда бўлган «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (2000 йил 23 июнь, № 937) ўз кучини йўқотди.

Мазкур Низом тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган лавозимларга эга ташкилотларга таааллуқли бўлиб, ҳужжат талаблари бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтказиладиган ходимлар тоифаси учун қўлланилмайди.

Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

**Тиббий кўрикнинг сифатли ўтказилишига тиббий кўрикдан ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари жавобгар ҳисобланади.**

**Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (ДСЭНМ) ва ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузиши шарт.** Ходим тиббий кўрикдан ўтиш учун паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати билан келиши лозимлиги ҳам айтилади. Ходимлар дастлабки тарзда дерматовенеролог кўригидан мажбурий равишда ўтказилади, вақти-вақти билан кўрикдан ўтиш врач-терапевтнинг кўрсатмаси бўлгандагина амалга оширилади. Шунингдек, ҳужжатда аёлларнинг йилда камида бир марта акушер-гинеколог кўригидан ҳам ўтиши белгиланган.

**Қуйида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган фуқароларнинг рўйхатини келтирамиз:**

● озиқ-овқат саноати ташкилотларида ишловчилар, жумладан, сут ферма ва ошхоналари, озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш пунктлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологик жиҳозларни таъмирлаш жараёнларида ишловчилар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташишда ишловчилар;

● қушхоналарда ишловчилар;

● қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, цехларда ишловчилар;

● умумий овқатланиш ташкилотларида ишловчилар – ресторан, кафе, ошхона, буфет ва бошқа умумий овқатланиш шохобчалари, қандолат маҳсулотларини сотиш шохобчалари ва ушбу маҳсулотларни ортиш-ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар;

● савдо ташкилотлари, шохобчалари ва бошқаларда ишловчилар;

● чорвачилик фермалари, комплекслари ва бошқаларнинг ходимлари;

● таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари;

● таълим муассасаларида ишловчи фаррошлар, қоровуллар, боғбонлар, ётоқхоналар комендантлари, ҳамширалари ва бошқалар;

● мактабгача таълим муассасалари, болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар санаторийлари, «Мурувват уйлари», «Меҳрибонлик уйлари» ходимлари;

● ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимлари;

● таълим муассасаларининг ошхоналари ва кирхоналари ходимлари, экспедиторлар, ушбу муассасаларда озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчи транспорт ҳайдовчилари, омборхона ходимлари;

● катталарга мўлжалланган даволаш-профилактик муассасалар, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар, ногиронлар ва қариялар уйларининг ошхоналари ҳамда бошқаларда ишловчилар;

● аҳолига санитария-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари, жумладан: ҳаммом, сауна, душ ходимлари;

● маникюр, педикюр, косметолог, косметолог-визажист, татуаж бўйича усталар ва бошқалар;

● сартарошлик хизматлари;

● кирхоналар, кимёвий тозалаш шохобчалари ходимлари;

● сузиш бўйича тренерлар, инструкторлар, бассейн ва даволовчи ванналарни ўтказувчи ходимлар;

● меҳмонхона ходимлари, фаррошлари, ётоқхона фаррошлари ва комендантлари, поездлар йўл бошловчилари;

● дорихоналар ва дори сақлаш омборхоналари ходимлари, дориларни тарқатиш билан шуғулланувчилар;

● дори моддаларини тайёрлаш билан шуғулланувчи дорихона ходимлари;

● ичимлик сувини тайёрлаш билан боғлиқ ишларга бевосита алоқаси бўлган водопровод қурилмалари ходимлари, водопровод тизимларига хизмат кўрсатувчи шахслар;

● талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти олдидан (фақат профилактик тиббий кўриклардан ўтиши шарт бўлган объектлар учун);

● соматик профилдаги стационарларнинг тиббий ходимлари ва даволаш иши билан боғлиқ профессор-ўқитувчилар таркиби;

● амбулатория-поликлиника хизмат кўрсатиш муассасалари тиббий ходимлари ва даволаш иши билан боғлиқ бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби;

● клиник-диагностик ва биокимё лабораториялари ходимлари;

● юқумли касалликлар шифохоналарининг тиббий ва хўжалик соҳасида ишловчи ходимлари, амбулатор-поликлиника хизмат кўрсатиш муассасаларининг юқумли касалликлар кабинетлари ходимлари, қон қуйиш ҳамда қон ва унинг компонентларини таҳлил қилиш билан боғлиқ лаборатория хизмати ходимлари ва даволаш иши билан боғлиқ профессор-ўқитувчилар таркиби;

● жарроҳлик профилидаги стационарлар ходимлари, амбулатор-поликлиник хизмат кўрсатиш муассасаларининг жарроҳлик, травматологик ва боғлаш кабинетлари ходимлари, стоматологлар, марказий зарарсизлантириш бўлинмалари ходимлари ва даволаш иши билан боғлиқ профессор-ўқитувчилар таркиби;

● туғруқ комплекслари ва бўлинмаларининг тиббий ходимлари, амбулатор-поликлиник хизмат кўрсатиш муассасалари аёллар маслаҳатхонаси, тиббий кўрик хоналари ходимлари, даволаш иши билан боғлиқ профессор-ўқитувчилар таркиби;

● коммунал хўжалик соҳаси ходимлари, шунингдек, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва йўқотиш билан боғлиқ ишлар, жамоат ҳожатхоналарида ишловчилар.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом билан **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида (www.minzdrav.uz) танишиш мумкин.**

**Намоз ТОЛИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати ходими.**

*Конференция*

# НАУКА ПРОТИВ ВИРУСОВ

***Одной из серьезных глобальных биологических угроз человечеству является распространение особо опасных инфекций. Серьезное, а порой и неизлечимое заболевание сравнимо с экологической катастрофой, разрушительным природным катаклизмом. Однако риск заражения уже известными вирусами, а также их новыми штаммами можно снизить. На помощь здесь приходят не только новейшие достижения в области науки, немаловажную роль играет и повышение уровня медицинской грамотности населения.***

Научно-практическая конференция “Успехи в борьбе и профилактике особо опасных инфекций”, состоявшаяся в Научно-исследовательском институте эпидемиологии, микробиологии и инфекционных заболеваний Министерства здравоохранения РУз (НИИЭМИЗ МЗ РУз) открыла новые грани в этом вопросе, стала своеобразной площадкой по обмену опытом между врачами республики. Врачами, посвящающими себя поиску новых форм борьбы с опасными недугами, спасающими тысячи человеческих жизней.

Как отметил во вступительном слове открывший конференцию докладом, посвященным эпидемиологической ситуации по карантинным и особо опасным инфекциям в странах мира Главный государственный санитарный врач, заместитель министра здравоохранения РУз С.Сайдалиев, большую роль в недопущении особо опасных инфекций на территории республики играют санитарно-контрольные пункты на границах Узбекистана. Также он подчеркнул необходимость усиления работы эпидемиологов на местах и санитарно-просветительской работы среди населения, с тем, чтобы люди, заподозрив у себя то или иное заболевание, вовремя обращались к врачу.





Несомненно, большим прорывом в области охраны здоровья населения, предотвращения распространения особо опасных инфекций станет реализация и внедрение Международных медико-санитарных правил, которые вступят в силу в 2014 году. Об этом говорил в своем выступлении доктор медицинских наук, профессор НИИЭМИЗ МЗ РУз И.Маматкулов, отметивший также, что Узбекистан в настоящее время входит в межправительственную рабочую группу, учрежденную ВОЗ, и передал во Всемирную организацию здравоохранения список четырех особо опасных инфекций, в борьбе с которыми нашей республике может оказываться международная помощь.

В ходе конференции были сделаны доклады, посвященные знакомству с ситуацией по лепре в Узбекистане – доктор медицинских наук, профессор Э.Ишбоев, начиная с 1930-го года и по настоящее время (на 2012 год в республике зарегистрировано 349 живых больных лепрой, самый большой очаг находится в Каракалпакстане). Также доктором медицинских наук, доцентом ТашПМИ М. Шараповым в выступлении был сделан акцент на современные методы лечения бруцелеза в мире и в Узбекистане, было высказано предложение об использовании в этой сфере новейших достижений зарубежных коллег, продлении курса лечения антибиотиками по определенной схеме, что поможет сократить случаи рецедива заболевания или перехода его в хроническую форму (в настоящее время число таких случаев составляет 50-80 процентов).

В ходе конференции на повестку дня было вынесено обсуждение современных методов борьбы и недопущения распространения на территории республики других, не менее опасных заболеваний, среди которых холера, ВИЧ/СПИД и другие.

Встреча специалистов, несомненно, поможет им в дальнейшем сконцентрировать все свои знания и опыт в профилактике и лечении опасных заболеваний, искать новые методы противостояния вирусам.

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

*Болалар спорти*

# ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Овқатдаги С витамининининг табиий манбалари ўсимлик маҳсулотлари: наъматак, қора смородина, лимон, кўк қалампир, кўк пиёз, апельсин, олмада бўлади.

**В гуруҳига кирувчи витаминлар кўп сонли дори-дармонларни бирлаштиради. Қуйида улардан айримларини қайд этиб ўтамиз:**

*В1 витамини (тиамин) ўсимликларда бўлгани каби ҳайвонот маҳсулотларида ҳам мавжуд. Унинг асосий манбалари донли ўсимликлар бўлиб, хамиртуруш ва жигарда кўп миқдорда учрайди.*

*В6 витамини (пиридоксин). Озиқ-овқат маҳсулотларида пиридоксин миқдори унча кўп эмас, бироқ овқатланиш рационига тўғри ташкиллаштирилса, у етарли миқдорда бўлиши мумкин. Хамиртуруш ва жигар таркибида пиридоксин кўп миқдорда эканлиги билан алоҳида ажралиб туради.*

*В12 витамини (цианокобоkламин). Мазкур витамин фақат ҳайвонот маҳсулотлари таркибидагина мавжуд бўлади.*

***Минерал моддалар.*** Болалар озуқасида минерал моддаларнинг аҳамияти шундаки, улар пластик жараёнларда салмоқли ўрин эгаллайди ва ўсиб келаётган организм тўқималарини тузиш учун материал вазифасини бажаради. Минерал моддалар тананинг ўсишини белгилайдиган скелет, мушак ва бошқа тўқималарнинг нормал шаклланиши, ички секреция безларининг нормал ривожланиши ва фаолият кўрсатиши, гормонларнинг ишланиши, асаб тўқимаси ҳужайралари, шу жумладан, бош мия тўқималарининг тузилиши учун зарур. Минерал моддалар орасида кальций, фосфор ва темир асосий аҳамиятга эга.

Енгил сингийдиган кальций манбаи ҳисобланган маҳсулотлар сирасига сут ва сут маҳсулотлари, тухум, ёнғоқ, ловия, сабзавотлар, фосфор манбалари туркумига эса тухум, пишлоқ, сули ёрмаси, ловия, мевадан ташқари фосфопротеидлар ва фосфатидлар сақлайдиган бошқа маҳсулотлар ҳам киради.

Гемоглобиннинг зарур таркибий қисми бўлган темир моддаси – гўшт, жигар, тухум сариғи, гречиха, сули ва буғдой ёрмалари, дуккакли ўсимликларда, нон, айрим мева ва данакли меваларда (олма, нок, олхўри, шафтоли, ўрик, хурмо, кишмиш, қора смородина – қорағат) бўлади.

Болаларнинг меъёрий ўсиши ва ривожланишини таъминлашда қалқонсимон безнинг нормал фаолият кўрсатишига имкон берадиган йод моддасининг организмга тушиши катта аҳамиятга эга. Бу айниқса бизнинг минтақа учун муҳим. Буни йод қўшилган туз истеъмол қилиш ва йод сақлайдиган препаратларни профилактик қўллаш йўли билан таъминлаш мумкин.

Айни пайтда Ўзбекистонда микронутриентлар танқислигини бартараф қилиш ва профилактикаси бўйича дастур муваффақиятли ишламоқда: тузни йодлаштириш, унни темир моддаси билан бойитиш (фортификациялаш) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Овқатланиш ҳақидаги замонавий фанда 45 та бебаҳо озуқа модда мавжуд бўлиб, улар турли миқдорларда ҳар хил озуқа маҳсулотлари таркибида учрайди. Озуқа маҳсулотларининг ҳар бир гуруҳи алоҳида ҳолда, ўзининг зарурий озуқавий моддаларига ва маълум миқдордаги энергияларга эга. Маҳсулотларнинг комбинацияси зарур озуқавий моддаларнинг тўла таркибини етказиб беради.

Фақат ҳар куни барча гуруҳдаги озуқа моддаларини истеъмол қилиш орқалигина, зарур озуқавий моддалар ва етарли миқдордаги энергияга эга бўлиш мумкин. Озуқанинг турли-туманлиги ҳар куни асосий гуруҳдаги барча маҳсулотларни истеъмол қилиш лозимлигини англатади.

**Ёғлар, ширинликларни чеклаш**

** Сут ва сут маҳсулотларини ҳар куни 2-3 турини истеъмол қилиш.*

** 3-5 хил турдаги сабзавотларни ҳар куни истеъмол қилиш.*

** Гўшт, балиқ, парранда, тухум, ёнғоқ дуккаклиларнинг 2-3 хил турини истеъмол қилиш.*

** 3-4 хилдаги меваларни ҳар куни истеъмол қилиш.*

** Ёрмалар, бошоқлилар, ун маҳсулотларининг 4-5 хил турини ҳар куни истеъмол қилиш.*

** Соғлом овқатланиш пирамидаси.*

**Соғлом овқатланишнинг жиҳатлари**

*1. Турли-туман озуқавий маҳсулотларни истеъмол қилиш, уларнинг кўпчилиги ҳайвонники эмас, балки ўсимликларнинг озуқавий маҳсулотларидан таркиб топиши лозим.*

*2. Нон, ун маҳсулотлари, ёрмалар, картошка кунига бир неча мартадан истеъмол қилиниши зарур.*

*3. Кунига бир неча мартадан турли хил мева-сабзавотларни истеъмол қилиш, яхшиси янги узилган ва яшаш жойида ўстирилганлари (кунига камида 400 г.)дан.*

*4. Овқат билан ёғлар истеъмолини назорат қилиш.*

*5. Ёғли гўшт ва ёғли гўшт маҳсулотларини дуккакли, дон, балиқ, парранда ёки ёғсиз гўштга алмаштириш.*

*6. Таркибида ёғ ва тузлар паст бўлган сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш.*

*7. Таркибида қанд моддаси кам бўлган маҳсулотларни танлаш ва қандни иложи борича камроқ истеъмол қилиш, шунингдек, ширинлик ва ширин ичимликлар сонини чегаралаш.*

*8. Туз истеъмол қилиш сутка давомида 6 г.дан ошмаслиги зарур. Йодланган туз истеъмол қилиш лозим.*

*9. Таомни тайёрлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш керак.*

*10. Тавсия этилган чегаралардa тана вазнини ушлаб туриш учун ҳар кунги бир маромдаги жисмоний юкламалар зарур.*

**Ўқувчиларнинг овқатланиш тартиби**

Мактаб ўқувчисининг саломатлиги учун тўғри овқатланиш тартиби катта ўрин тутади. Овқатни 3 дан 4 соатгача оралиқлар билан, кунига 4 марта истеъмол қилиш лозим. Бола ухлашдан кам деганда 2 соат олдин кечки овқатни истеъмол қилгани маъқул.

**_Суткалик рационни калориялиги бўйича қуйидагича тақсимлаш тавсия қилинади:_**
**нонушта – 15 %**
**мактабдаги нонушта – 20 %**
**тушлик овқат – 35 %**
**тушликдан кейинги овқат – 10 %**
**кечки овқат – 20 %**

Бир кеча-кундузлик рационда овқатни 4-5 марта истеъмол қилиш умуман бутун организм ишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бунда овқат билан тушадиган озиқли моддалар ва энергия миқдори ўзгартирилмайди, лекин организмнинг фермент тизимларига тушадиган юклама камаяди, чунки овқат меъда-ичак йўлларига кичик-кичик порциялар билан тушади.

Овқатланиш бошқа тиббий-биологик жиҳатлар орасида спортчиларни тайёрлашда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Жадал мушакли фаолиятлар организмдаги метоболик жараёнларни анча фаоллаштириб юборади ва табиийки, спортчининг озуқаси ўз хусусиятларига эга бўлиши лозим.

*1.5-жадвал*

**Болалар ва ўсмирлар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг намунавий суткалик таркиби ва уларнинг оғирлиги граммлар (брутто)да**

| Маҳсулотлар | Ёш (йилларда ифодаланган) | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 7-10 | 11-13 | 14-17 | |
| | | | Қизлар | Ўсмирлар |
| Сут, мл. | 450 | 450 | 400 | 400 |
| Творог | 35 | 40 | 30 | 30 |
| Сметана ва қаймоқ | 15 | 20 | 22 | 23 |
| Пишлоқ | 10 | 25 | 10 | 20 |
| Гўшт | 90 | 90 | 100 | 120 |
| Балиқ | 40 | 40 | 40 | 40 |
| Буғдой, жавдар нон ва бошқалар | 215 | 270 | 265 | 335 |
| Ёрма, дуккаклилар, макарон маҳсулотлари | 45 | 50 | 55 | 60 |
| Шакар, ширинликлар | 65 | 70 | 70 | 70 |
| Сариёғ | 15 | 20 | 22 | 23 |
| Ўсимлик ёғлари | 15 | 12 | 12 | 12 |
| Сабзавотлар | 350 | 455 | 455 | 455 |
| Мевалар | 200-250 | 250-300 | 300 | 300 |
| Қуруқ мевалар | 15 | 15-20 | 15-20 | 15-20 |
| Парранда гўшти | 30 | 30 | 40 | 40 |
| Туз | 5-6 | 6 | 6 | 6 |

Овқатланиш омилидан спортчиларни тайёрлашнинг турли даврларида мақсадга йўналтирилган ҳолда, фойдаланишига катта аҳамият қаратилади. Спорт-



чиларнинг овқатланиш рационини оширилган калориялилиги, оқсил, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар, витамин моддаларининг меъёрдан юқори даражада эканлиги, шунингдек, овқатнинг асосий компонентлари орасидаги нисбатлик хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. (Сан ПиН №0274-09) овқатнинг мос шаклларини: маҳсулотларнинг тегишли қисмини танлаш, овқатланишнинг тўғри кун тартиби, машқлар тартиби билан мувофиқ келиши биринчидан, мусобақалар олди даврда мақбул равишдаги метаболик кўриниш яратилишига имкон беради, иккинчидан, мусобақалар даврида юқори даражадаги ишчанлик қобилиятини ушлаб туради, учинчидан, жисмоний юкламалардан сўнг дам олиш даврида тикланиш жараёнларининг фаоллашувига имкон беради. Бу ўринда жисмоний юкламаларнинг организмга, шунингдек, ўсишнинг табиий жараёнлари, болалар ҳамда ўсмирларнинг ривожланишдаги таъсирини ҳисобга олиш зарур бўлади.

**ЎҚУВЧИЛАР РИВОЖЛАНИШИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҲОЛАТИГА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҲАМДА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИНГ ТАЪСИРИ**

ЖССТ Низоми бўйича, «Саломатлик – бу қандайдир бир касалликнинг мавжуд эмаслиги ёки жисмоний камчиликлар йўқ дегани эмас, балки тўлалигича жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир». Бироқ, бу ифодадан саломатликни ҳаммабоп ва индивидуал даражада баҳолашда фойдаланиш мумкин эмас. ЖССТ фикрича, тиббий санитария статистикасида индивидуал даражадаги саломатлик тушунчаси остида аниқланган бузилишлар ва касалликларнинг мавжуд эмаслиги тушунилади, оммабопида (популяцион) эса – ўлим ҳолати, касалликлар ва ногиронлик даражаларнинг пасайиш жараёни тушунилади.

Кўриб турганингиздек, соғлом турмуш тарзи – саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги энг муҳим ва зарурий шартлардан бири эканлиги маълум бўлади. Мана шу таъкидларнинг тўғрилигига шубҳа туғдирадиган биронта одам топилмаса ҳам керак. Бироқ ҳаракатли фаоллик оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш зарурлигини тушуниб олиш билан бирга, жисмоний тарбияни ҳаётий меъёрга айлантириши ҳам унутилмаслик керак. Саломатлик шунчаки бериб қўйилмайди, унга эришиш ёки сақлаш учун ҳар кимдан маълум бир саъй-ҳаракатлар талаб қилинади.

Тиббиёт қанчалик мукаммал бўлмасин, ҳар кимни барча касалликлардан ҳоли қила олмайди. Инсон – ўз саломатлигининг ижодкоридир, унинг учун курашиш лозим. Эрта ёшдан фаол турмуш тарзини олиб бориш, чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, бир сўз билан айтганда, оқилона йўллар билан саломатликнинг чинакам уйғунлигига эришиш зарур.

Азал-азалдан саломатликни мустаҳкамлаш ва кексайишга қарши курашишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти инсониятга яхши маълум бўлиб келган. Жисмоний тарбия тушунчаси деганда, инсоннинг жисмоний мукамалликка эришганлик ва кундалик ҳаётда орттирган сифатлар, малака ва махсус билимлардан фойдаланиш даражаси назарда тутилади.

Инсонинг ҳар томонлама ривожланиши, энг аввало унинг ўзига боғлиқ. Одамнинг саломатлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, ўзининг ҳаётий режаларини турмушга татбиқ этиш ҳам шунчалик осон кечади.

Жисмоний тарбия – умумий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бир бўлиб, инсонийлик жараёни унинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Мустаҳкам соғлиқ исталган фаолият тури билан, шу жумладан, ақлий фаолият билан ҳам муваффакиятли шуғулланиш имконини беради. Саломатликнинг умумий ҳолати ва мактаб ўқувчиларининг жисмоний кучи, асосан кўпроқ хотира, диққат-эътибор, тоқатлиликка боғлиқ бўлади.

Жисмоний тарбия берадиган чидамлилик ва чаққонликсиз, куч ва тезкорликсиз, эгилувчанлик ва мувофиқлаштирувсиз ўқувчиларда ишчанлик қобилияти, фаол ҳаракат олиб боришга интилишлар етарли даражада мавжуд бўлмайди.

**Дилором АҲМЕДОВА,**
**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.**

**(Давоми бор).**

*Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам*

# ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ДИСЛИПИДЕМИЯНИНГ РОЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

## ЛИПИДЛАРНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ

Липид спектрини аниқлаш учун қон бемордан наҳорда – оч қорингa, охирги овқатланишдан 12-14 соатдан кейин олинади.

Қондаги триглицеридлар даражаси қуйидаги услублар билан аниқланади:

- Кимёвий услуб – унинг асосида триглицеридлар гидролизидан кейин ҳосил бўладиган глицерин миқдорини аниқлаш ётади, глицерин формальдегидгача оксидланади ва колориметрик тарзда ўлчанади.
- Энзиматик услублар – энг специфик ва аниқ услублардир.
- Хроматографик услуб – Варбург оптик синамасига асосланган. Клиник – диагностик лабораторияларнинг амалиётида кўпинча холестерин миқдорини аниқлашнинг Либерман-Бурхард реакциясига ёки Златикс-Злак реакциясига (темир хлорид билан реакция бўйича унификацияланган услуб) ёки Илька реакциясига (сирка ангидриди билан реакция бўйича унификацияланган услуб) асосланган колориметрик услублардан фойдаланилади. Бундан ташқари, холестерин миқдорини аниқлашнинг ферментатив ва экстракцион услублари (изопропанол билан экстракциядан кейин темир хлорид билан реакция бўйича унификацияланган услуб, қоғозда куритилган биологик материалда холестерин миқдорини аниқлаш услуби) мавжуд.

ЮЗЛП ХС липопротеидларни гепарин ҳамда марганец тузлари билан чўктиришдан кейин аниқланади.

Қон липид спектрининг асосий катталикларини ҳисоблаб чиқариш:

ПЗЛП $ХС=ХС_{умумий}$ – (ЖЗЛП ХС + ЮЗЛП ХС) = $ХС_{умумий}$ – (ТГ/5 +ЮЗЛП ХС)

Фридвальд формуласи:

ЖЗЛП ХС = ТГ/5;

$АКхс=ХС_{умумий}$ – ЮЗЛП ХС/ЮЗЛП ХС (ушбу кўрсаткичнинг ортиши липид спектрининг атерогенлигидан далолат беради).

## ДИСЛИПИДЕМИЯЛАРНИ ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИ БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА

ЮИКнинг бирламчи профилактикаси ЮИК келиб чиқишини камайтиришга қаратилган асосий тадбир ҳисобланади. Клиник ёндашув беморда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларга асосланган.

Фремингем тадқиқоти маълумотларига бўйича нотўғри ҳаёт тарзи энг кенг тарқалган хавф омили бўлиб, ЮИК бор беморларнинг 56 фоизида учрайди. Ҳаёт тарзини ўзгартиришга қуйидагилар киради: тамаки чекишдан воз кечиш, парҳез бўйича тавсиялар, ортиқча тана вазнини камайтириш ва жисмоний фаоллик. Парҳез бўйича тавсиялар қуйидагиларга асосланган:

- ёғларни истеъмол қилишни чеклаш (организм кундалик талабининг 30 фоиздан камини ташкил этиши лозим);
- тўйинган (ҳайвон) ёғларни истеъмол қилишни чеклаш – умумий истеъмол қилинадиган ёғларнинг учдан бир қисмидан кўп бўлмаслиги керак;
- овқатда холестерин миқдорини чеклаш – 200 мг/сут.дан кам;
- асосан, ўсимлик озиқлари ва денгиз маҳсулотлари ҳисобига монотўйинмаган ва политўйинмаган ёғларни истеъмол қилиш;
- мевалар, донли ўсимликлар ва сабзавотлар ҳисобига углеводлар комплексини истеъмол қилиш.

**Тана вазнини камайтириш.** Тана вазни индекси бемор тана вазнининг (кг да) бўй узунлиги квадратига (м2) нисбати сифатида аниқланади ва 27,0 кг/м2 дан ортик бўлган шахсларга тавсия этилади.

Гиперхолестеринемия аниқланган ҳар бир бемор гиполипидемик терапияни бошлашдан олдин иккиламчи гиперлипидемияни истисно қилиш учун текширувдан ўтиши лозим. Мумкин бўлган иккиламчи бузилиш сабаблари қаторига қуйидагилар киради:

- Қандли диабет.
- Гипотиреоз.
- Жигардаги обструктив оғриқлар.
- Сурункали буйрак етишмовчилиги.
- Дислипидемия чақирувчи препаратлар (прогестинлар, анаболик стероидлар, кортикостероидлар) қабул қилиш.

Иккиламчи сабаблар истисно қилингандан ёки даволашдан кейин мақсадли ҳисобланган беморда липидлар даражаси мавжуд хавфга мувофиқ аниқланади.

## ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА

Юқори савияда ўтказилган бир қанча махсус клиник тадқиқотларда узоқ вақт ўтказилган, гиполипидемик терапия ЮИК аниқланган беморларда умумий ўлим, коронар ўлим, ЎМИ, коронар жарроҳлик аралашувлари ва бош мия инсульти кўрсаткичлари камайишига олиб келган. Беморларда ПЗЛП ХС даражаси 100 мг/дл.дан паст бўлиши оптимал ҳисобланади, бу эса клиник ва ангиографик текширувлар орқали тасдиқланган. Бундай кўрсаткич ЮИКнинг эквивалент омиллари (АГ, КД, тамаки чекиш) бор беморлар учун ҳам қўлланилиши зарурдир. Ўткир коронар синдром билан ёки коронар реваскуляризация учун госпитализация қилинганда липид спектри 24 соат ичида аниқланиши лозим, бу беморни госпитализация вақтида ёки стационардан чиқариш пайтида даволашни бошлаш имконини беради.

## ГИПОЛИПИДЕМИК ПРЕПАРАТЛАР ТАСНИФИ

1. 3-гидроксиметил-глутарил-коэнзим А-редуктаза ингибиторлари ёки статинлар (аторвастатин, симвастатин, правастатин ва ҳ.к.).
2. Фибратлар (фибрат кислотаси ҳосилалари) – клофибрат, гемфиброзил, ципрофибрат ва ҳ.к.
3. Ўт кислотаси секвестрантлари (холестерамин, колестипол).
4. Никотин кислотаси ва унинг ҳосилалари (аципимокс, эндурацин).
5. Пробукол.
6. Сўрилиш ингибиторлари (эзитимиб).

Кардиологияда инқилобий ўзгаришлар содир этган статинлар липид алмашинуви бузилишини даволашда энг самарали препаратлар ҳисобланади.

Статинларнинг асосий гиполипидемик таъсир механизми қуйидагилардан иборат: кимёвий таркиби бўйича мевалон кислотаси ҳосил бўлиши орқали ацетил-КоА.дан холестерин биосинтезининг асосий босқичини катализация қилувчи ГМГ-КоА редуктаза ферментига ўхшаш бўлганлиги сабабли, статинлар ҳақиқий ферментнинг ўрнини босади ва бу билан жигарда ПЗЛП синтезини сусайтиради. Холестерин синтезининг сусайиши гепатоцитлар ташқи мембранасида ПЗЛП рецепторларининг ортишига олиб келади ва қонда ПЗЛП ХС концентрациясининг анчагина пасайиши содир бўлади. Замонавий статинлардан энг кучлилари (липпримар) ПЗЛП ХС концентрациясини 40-65 фоиз камайтириш қобилиятига эгадирлар. Бунда, шунингдек, ЖПЗЛП ХС ҳосил бўлишининг камайиши ҳисобига ТГ концентрацияси ҳам пасаяди ва ЮЗЛП ХС миқдори ортиши мумкин, буларнинг ҳаммаси ижобий омил ҳисобланади.

*15-жадвал*

### СТАТИНЛАРНИНГ АСОСИЙ ФАРМАКОКИНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

| Статинлар | Ловастатин | Правастатин | Симвастатин | Флувастатин | Аторвастатин |
|---|---|---|---|---|---|
| Келиб чиiиши | ЗамбуруI-лардан | ЗамбуруI-лардан | ЗамбуруI-лардан | Синтетик | Синтетик |
| "Продори" | µа | µа | µа | йґі | йґі |
| Биологик кирувчанлик iобилияти | <5 | <18 | <5 | 29 | 30 |
| t max (соат) | 2-4 | 0,9-1,6 | 1,3-2,4 | 1 | 1-2 с |
| Ярим чиiиш даври (соат) | 2 | 2 | 3 | 3 | 14 с метаболитлар учун 20-30 |
| Эрувчанлиги | Липофил | Гидрофил | Липофил | Гидрофил | Липофил |

Статинларнинг асосий ножўя таъсирлари:

1. Марказий асаб тизими – бош оғриғи, бош айланиши пайдо бўлиши мумкин (1 %).
2. Ошқозон-ичак тизими – қоринда оғриқ, ич кетиши ёки ич қотиши мумкин (2-3 %).
3. Жигар-қонда трансаминазалар миқдори ортиши мумкин. Трансаминазалар ўзининг дастлабки даражасидан 3 мартага ортган ҳолда статинларни қўллашни тўхтатиш зарур.
4. Мушакларда оғриқ-креатинкиназа ферменти фаоллигининг ортиши натижасидир (2-3 %). Даволашни тўхтатиш зарур.

Замонавий статинлардан умумий ХС, ПЗЛП ХС ва ТГ даражаларини пасайтиришда энг юқори самарага эга бўлган препарат липпримар (аторвастатин)дир. Жадвалдан кўриниб турганидек, препарат энг юқори ярим чиқиш даврига эга (14 соат, метаболитлар учун 20-30 соат), бу эса препаратни бир марта қабул қилинганидан кейин 24 соат ичида гиполипидемик таъсирни амалга ошириш имконини беради.

CURVES тадқиқотида липпримарнинг суткалик 10,20, 40 ва 80 мг.ли дозаларининг самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилди, таққослаш учун бошқа статинларнинг аналогик дозалари қўлланилди. Тадқиқот АҚШнинг 34 та йирик кардиология марказларида бирламчи гиперхолстеринемияли (паст зичликдаги липопротеидлар холестерини даражаси 160 мг/дл.дан, триглицеридлар даражаси 400 мг/дл.дан кам бўлмаган) 534 нафар беморда ўтказилди. Шу нарса аниқландики, липпримар бошланғич 10 мг/сут дозанинг ўзидаёқ паст зичликдаги липопротеидлар холестерини даражасининг симвастатин (10 мг), правастатин (20 мг), ловастатин (20-40 мг) ва флувастатин (20-40 мг)га нисбатан кўпроқ ифодаланган, ишончли пасайишига олиб келади.

Липпримарнинг суткалик 10, 20 ва 40 мг/сут дозаларида қонда паст зичликдаги липопротеидлар холестерини даражасини тегишли равишда 38,3 фоиз, 46,3 фоиз ва 51,2 фоизга камайтириб, бу камайиш бошқа статинларнинг эквивалент дозалари ёрдамида эришилган пасайишдан анча юқори бўлган (P<0,01).

## ДИСЛИПИДЕМИЯ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮИКни ДАВОЛАШ БОРАСИДАГИ АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Юрак ишемик касаллиги аниқланган беморларни даволашда липидлар алмашинуви аҳволини таҳлил қилиш, албатта, шарт ҳисобланади.
2. Паст зичликдаги липопротеинлар холестерини миқдори 100 мг/дл ёки триглицеридлар миқдори >175-200 мг/дл ёки юқори зичликдаги липопротеинлар холестерини миқдори <40 мг/дл бўлган ҳолатда юрак ишемик касаллиги ёки қандли диабет аниқланган беморларда липидлар алмашинувини коррекция қилиш талаб этилди.
3. Липидлар миқдорини коррекция қилиш овқатланишда парҳез сақлаш, турмуш тарзини ўзгартириш (чекмаслик, жисмоий ҳаракатда бўлиш, тана вазнини оширмаслик ва ҳ.к.) ва гиполипидемик дориларни қабул қилиш орқали амалга оширилди.
4. Умумий холестерин миқдорининг ошиши ($\geq$200мг/дл) ПЗЛП холестерини ва триглицеридлар (ТГ) миқдорларининг ошиши билан кузатилганда статинларни қўллашнинг (липпримар, лескол, провастатин ва ҳ.к.) юрак қон-томир касалликлари асоратларини камайтириши тасдиқланган.
5. Беморларда фақат триглицеридлар миқдори ошиб ($\geq$175 мл/дл), липидларнинг бошқа кўрсаткичлари нормал бўлган ҳолда фибратлар гуруҳига кирувчи дорилар ва омакор тавсия қилинади (липантил, липанор ва ҳ.к.).
6. Юрак ишемик касалликларининг ўткир турлари (ўткир коронар синдром, беқарор (ностабил) стенокардия, миокард инфаркти) паст зичликдаги липопротеинлар холестерини миқдорининг $\geq$100 мл/дл ошиши билан биргаликда кечганда статинларни қўллаш даволашнинг асосий компоненти ҳисобланади.

**Равшан ҚУРБОНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, профессор.**

(Давоми бор).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

Нуқтаи назар



# КОМПЬЮТЕР ВА САЛОМАТЛИК



***Сизни ушбу мавзу қизиқтирадими? Вақтингизни компьютер олдида кўп ўтказаётган бўлсангиз, албатта унинг соғлиққа таъсири борлигини билиб қўйганингиз фойдадан ҳоли бўлмас.***

Демак, мазкур мавзу тўғрисида фикр юритар эканмиз, компьютердан узоқ муддат фойдаланганда инсон саломатлигига таъсири, унинг зарарини камайтириш йўллари хусусида нималарга эътибор беришимиз лозимлиги тўғрисида маълумот бермоқчимиз.

**Компьютердан фойдаланувчи инсонлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омиллар қуйидагилар:**

- узоқ муддат ўтириб ишлаш жараёнлари монитордаги электрмагнит нурланишлар таъсири кўрув органларига тушадиган юкламалар, яъни кўзнинг толиқиши, қўл-кафт бўғимларига тушадиган юклама ахборотларнинг йўқолиб қолиш пайтидаги стресс ҳолатлари.

**Юқоридаги зарарли омиллар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз:**

***Узоқ муддат ўтириб ишлаш (камҳаракатлик – гиподинамия)***

Эътибор берсангиз, компьютер олдида ўтирган инсонда бўйин, бош, қўл ва елка мушаклари таранг ҳолда бўлиши оқибатида умуртқа поғонасига ҳам ортиқча юклама тушади. Баъзида умуртқа поғона чарчаши туфайли болалар столга ётган ҳолда ундан фойдаланадилар. Бунинг оқибатида катталарда остеохондроз, болаларда эса сколиоз касаллиги пайдо бўлади.

Бундан ташқари, кўп ўтириш давомида стул билан тана ўртасида ўзига хос “иссиқ компресс” юзага келиб, у ўз навбатида простата безининг яллиғланиши, простатит, геморрой касалликларини юзага келтиради. Камҳаракатлик ўз навбатида моддалар алмашинуви бузилиши ҳамда “семириш” касаллигига ҳам замин яратади.

**Электрмагнит нурланишлар**

Компьютер ва бошқа электр асбоблари ўзидан электрмагнит нурларини тарқатувчи манба ҳисобланади. Улардан чиқаётган электрстатик нурлар ҳамда майда чанг зарралари терининг очиқ жойларига тушиши оқибатида турли хилдаги аллергик касалликларни чақиради. Сочлар тўкилиши ва терининг қуриши ҳам кузатилиши мумкин.

**Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:**

- компьютер бор хоналарда вентиляция тизими яхши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқдир;
- хонани тез-тез шамоллатиб туринг. 1 та монитор учун майдон сатҳи 9-10 $м^2$ бўлиши лозим;
- хонанинг намлик ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ҳавони намловчи мосламалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;
- хонани нам латта билан тез-тез тозалаб туринг.

**Кўриш органларига таъсири**

- компьютер билан ишлаш давомида кўзимиз доимий равишда экранда бўлади. Монитор ёруғлик манбаи бўлиб қолмай, балки мунтазам равишдаги жимирлаш ҳолатлари кўзни таъсирлантиради.

Кўздаги қаттиқ оғриқлар, кўз ёшланиши, кўз қорачиқлари ва кўз олмалари, қовоқлар қизариши, пешона соҳасидаги оғриқлар, тез чарчаш ҳолатлари “дисплей” касаллиги деб номланади. Ва бундай ҳолат экрандан доимий равишда фойдаланиш оқибатида келиб чиқади.

**Кўз чарчаб қолмаслиги учун қуйидагиларга риоя қилинг:**

* *монитор билан кўз оралиғидаги масофа 45 см.дан кам бўлмаслиги;*
* *ёруғлик монитор экранига тушиб, ярқираб, кўришга халақит бермаслиги;*
* *экран сатҳини тез-тез артиб туриш;*
* *кўзга дам бериш учун 10-15 дақиқа танаффус қилиб туринг.*

**Кўз машқлари жуда муҳим:**

- *10 сония кўзларингизни юмиб туринг;*
- *5-10 сония кўзни очиб-ёпиш;*
- *кўз соққаларини айлантириш;*
- *ойнадан узоқ ва яқинга қараш;*
- *турли таъсирлардан сақлаш учун чой пакетчаларини кўзга 10 дақиқа қўйиб ётинг.*

**Лобар ЗОКИРОВА,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти Соғлом турмуш тарзи булим мудири.**

Хабар

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ВА КЎЛАМИ ОШМОҚДА



***Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда хизмат кўрсатиш сифатини замон талаблари асосида ташкил этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.***

Андижон вилояти Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Чинобод шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими қайта таъмирланиб, замонавий шарт-шароитга эга бўлди. Бу ерда 30 ўринга мўлжалланган жарроҳлик бўлими барпо этилди. Тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиника ҳам қайта реконструкция қилиниб, кўп тармоқли поликлиникага айлантирилди. Тиббий муассасанинг алоҳида иситиш ва кир ювиш бинолари қурилди. Ушбу қурилиш-монтаж ишлари “Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш” хусусий корхонаси жамоаси томонидан бажарилди.





Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасининг Чинобод шифохонаси бош шифокори Умарали Шамсиддиновнинг айтишича, муассасанинг янги УЗИ, лаборатория жиҳозлари, рақамли рентген аппарати каби 22 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши натижасида ташҳис қўйиш ва даволаш ишлари самарадорлиги янада ошган.

**СУРАТЛАРДА:** *1-шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг умумий кўриниши; тажрибали шифокор Бобур Иброҳимов ва лаборант Мўътабар Мусаева иш устида.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Гигиеник маслаҳатлар

*Мана, ўлкамизга куз фасли ҳам кириб келди. Далаларимизда етиштирилган пахталарни териб олиш учун пахтакорларимиз астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шундай экан, ҳар бир пахтакор кундалик ҳаётида қуйидаги талабларга риоя қилиши зарур: эрталаб туришингиз билан бадантарбия билан шуғулланиш, ўз вақтида тўғри овқатланиш, ариқ ва ҳовуз сувларидан ичмаслик, ортиб қолган озиқ-овқатларни усти ёпиқ ҳолда сақлаш, яшаш жойларини тоза, озода тутиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, пахтакорлар қўлларида доимий ташқи омиллар таъсирида майда, кичик жароҳатлар бўлиши табиий. Ана шундай ҳолда бундай яраларни кирсовун билан яхшилаб ювиб, зелёнка ёки йод эритмаси билан ишлов бериш керак. Агар, яралар йиринг боғлаб, оғриқ безовта қилса, тана ҳарорати кўтарилса тезда тиббиёт ходимларига мурожаат қилишингиз зарур. Ухлашдан аввал эса қўлларни иссиқ сувда ювиб, глицерин, айниқса ёрилган, шилинган қўл териси учун бор вазелини ёки терини юмшатувчи кремлардан фойдаланиш муҳим. Пойабзаллар сув, намликни ўтказмаслиги учун ҳар куни мойлаш тавсия қилинади. Ишдан сўнг уст-бош, пойабзал тозасига алмаштирилиши керак, ҳафтасига бир марта ҳаммомга тушиш танангизни янада соғлом бўлишини таъминлайди. Бунинг баробарида, офтоб уришидан сақланиш учун бош кийим кийиш зарур. Яна шуни таъкидлаш муҳимки, нам ва зах ерларда ўтириш соғлигингизга зарар етказади.*

**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти.**

**Ҳурматли муштарийлар!**
**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика 1-сонли клиник шифохонаси бош врачи Азиз Юлдашевич Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

**Ҳамидахон ая ҒОФУРОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 12 октябрда чиқади.**


**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**
**Нашр учун масъул**
**Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА**

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.**
**Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 6443 нусха.**
**Буюртма Г-945.**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.** **Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

**ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz** Топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5